

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСОЕВ ТОҲИР ЯХЁЕВИЧ

**СЕПСИС БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ПАНКРЕОНЕКРОЗ
КУЗАТИЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ ДИАГНОСТИК ВА
ХИРУРГИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Мусоев Тохир Яхёевич

Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни
даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш 3

Мусоев Тохир Яхёевич

Оптимизация диагностической и хирургической тактики при лечении
больных с панкреонекрозом осложненный сепсисом..... 35

Musoev Tokhir Yakhyoevich

Optimization of diagnostic and surgical tactics in the treatment of patients with
pancreatic necrosis complicated by sepsis 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 76

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСОЕВ ТОҲИР ЯХЁЕВИЧ

**СЕПСИС БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ПАНКРЕОНЕКРОЗ
КУЗАТИЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ ДИАГНОСТИК ВА
ХИРУРГИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Tib874 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий консультант

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Хаджибаев Фарход Абдухакимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муслумов Гурбанхан Фатали ўғли
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Озарбайжон Республикаси)

Етакчи ташкилот

**Н.В.Склифосовский номидаги тез ёрдам
илмий текшириш институти**
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, А.Навобий шох, кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навобий шох кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50;

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

М.М.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ўзининг патогенезига кўра ўткир панкреатитга қараганда қорин бўшлиғи аъзоларининг мураккаброқ яллиғланиш касаллигини топиш қийин. Сўнги 50 йил давомида ўткир панкреатит қорин бўшлиғининг ўткир жарроҳлик касалликлари орасида учинчи ўринни эгаллайди ва барча шошилишч патологиянинг тахминан 12,5% ни ташкил қилади. Шу билан бир вақтда, панкреонекрознинг ташхисоти ва жарроҳлик тактикаси – ҳозирги вақтда шошилишч абдоминал жарроҳликнинг ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шубҳасиз далил шуки, ушбу муаммо ўткир панкреатитнинг ҳаётга хавф туғдирувчи шакллари башоратлаш ва эрта ташхислашдаги қийинчиликлар билан боғлиқ.

Шунингдек, муаммонинг долзарблиги меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларнинг кўпчилигида (65-70%) ўткир панкреатитнинг ривожланиш частотаси билан боғлиқ, «...бунда панкреонекроз ривожланишида ва даволашнинг жарроҳлик усуллари кўллашда беморларнинг ярмидан кўпида меҳнат қобилиятини йўқотиш 62,8 дан 75,3% гача ҳолатда кузатилади...»¹. Буларнинг барчаси муаммога ижтимоий-иқтисодий аҳамият беради. Панкреонекрознинг инфицирланган шаклларида ўлимнинг асосини сепсис ва аъзолар етишмовчилиги ҳолатлари ташкил этиб, «...панкреонекрозда летал оқибатларнинг умумий статистикаси 3,9–26% ни, инфицирланган панкреонекрозда эса - 85% гача, касалликнинг фулминант кечишида - 100% ни ташкил қилади...»². Сепсис билан асоратланган панкреонекрозни даволашда консерватив терапиянинг касаллик кечишига таъсирини ўрганишга кўп уринишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида хирургик касалликларга эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, улар асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»³ вазифалари белгиланган. Шу асосда сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностика ва хирургик тактикасини оптималлаштиришга

¹Назыров Ф.Г., Бабаджанов А.Х. Особенности течения острого билиарного панкреатита. ТОМ-I. 2019 Nov 29:326.

²A.S.Storch, J.D.de Mattos, R.Alves, I.S.Galdino, H.N.M.Rocha // Methods of endothelial function assessment: description and applications. // Int. J. Cardiovasc. Sci. 2022; 30(3): 262–73.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

табақалаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Сепсис билан асоратланган панкреонекроз билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан: University of Wisconsin Madison (АҚШ); South Bohemian University (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Англия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische Universität Wien (Австрия); Республика шошилич тиббий ёрдам маркази (Ўзбекистон); В.В.Вохидов номидаги Республика илмий-амалий жарроҳлик маркази (Ўзбекистон) да олиб борилган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчи илмий марказлари ва олий ўқув йилларида бажарилган илмий-тадқиқот ишлар натижалари таҳлили ушбу муаммонинг юқори даражада долзарблиги ва иқтисодий аҳамиятлилигини кўрсатган. Касалликнинг юқори даражада тарқалиши, айниқса, энг меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар орасида, жарроҳликдан кейинги асоратларнинг юқори частотаси, натижада беморларнинг ҳаёт

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган

сифатига салбий таъсир кўрсатади, сепсис билан асоратланган панкреонекроз муаммосининг долзарблиги ва аҳамияти кўрсатилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олимлар панкреонекрознинг оғир шакллари ривожланиш механизмида ва зарарланишнинг тизимли хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган яллиғланиш жараёнининг генерализацияланишида маълум табиий алоқаларнинг аҳамияти ҳақида тахмин қилишган (Назирова Ф.Г., Бабаджанов А.Х. 2019; Китавина С.И., Петровичев В.С. 2021). Панкреатоген сепсис прогрессив полиорганли дисфункцияга асосланганлиги исботланган. Ҳаётининг зарур аъзоларда юзага келадиган функционал бузилишлар ўлимга олиб келадиган натижалар учун асос бўлиб, юқори технологияли ускуналар ва жарроҳлик технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ижобий даволаш натижаларига эришишда бир қатор тўсиқларни келтириб чиқаради. Бироқ, бу маълумотлар, афсуски, муаммони ҳал қилиш учун фундаментал асосга эга эмас, фақат тадқиқотчиларнинг тахминларини акс эттиради (Александров В.В., Чернов С.А. 2022; Хакимов М.Ш. 2023). Шу муносабат билан, бизга панкреонекрозда сепсис ривожланиш йўллари излаш билан боғлиқ муаммони ўрганиш нафақат ушбу касалликнинг патогенезидаги бир қатор назарий қонуниятларни аниқлайди, балки ушбу касалликни комплекс даволашнинг қониқарсиз натижаларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга имкон беради (Хаджибаев А.М., Алтиев Б.К. 2020; Zhou L, Chen J. 2021; Contenti J, Ocelli C. 2022). Муаммони ҳал қилишнинг ҳозирги ҳолатидан қониқмаслик, клиник амалиётда янги технологияларнинг пайдо бўлиши ўткир деструктив панкреатитнинг даволаш-ташҳисот тактикасининг янги алгоритминини ишлаб чиқиш учун асос бўлди, бу ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб берди. Сепсис билан асоратланган панкреонекрозни ташҳислашнинг инновацион усуллари ва самарали даволаш усуллари излаштириш ва уларни шифокорлар амалиётига жорий этиш соғлиқни сақлашнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, асоратлар ва ўлимни башорат қилиш ва олдини олишга, умуман жамият харажатларини камайтиришга кўмаклашади (Фирсова В. Г. 2022; Буриев И. М. 2022). Юқорида айтилганларнинг барчаси ушбу ишнинг асосий йўналишини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023.DSc.187) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омиллари эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволаш натижаларини, кечини ташҳислаш ва ушбу касалликнинг оқибатини башорат қилишда тактик усуллари оптималлаштириш, шунингдек оптимал даволаш усулини танлаш орқали такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларнинг назорат гуруҳида сепсис билан асоратланган панкреонекрозни даволашнинг анъанавий усулларининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва қониқарсиз натижаларининг сабабларини аниқлаш;

сепсис билан асоратланган панкреонекрозни ушбу касалликнинг кечиши, клиник шароитлари ва ривожланиш босқичларига мос келадиган оптимал тажрибавий моделини ишлаб чиқиш;

сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш динамикасида ошқозон ости беши микроциркулятор ўзанининг томирларида келадиган морфометрик кўринишининг хусусиятларини ўрганиш;

сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш динамикасида эндотелиал дисфункция маркёрларининг ўзгаришларини баҳолаш;

олинган маълумотларга асосланиб, сепсис билан асоратланган панкреонекроз патогенезида эндотелиал дисфункциянинг роли ва ўрнини асослаш;

сепсис билан асоратланган панкреонекрозни эрта ташҳислаш ва башоратлашнинг далилларга асосланган мезонларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

сепсис билан асоратланган панкреонекрозда даволаш-ташҳисот алгоритмининг ишлаб чиқиш;

сепсис билан асоратланган панкреонекроз учун ишлаб чиқилган башоратловчи ва диагностик-даволаш мажмуаси самарадорлигини қиёсий баҳолашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти. сифатида панкреонекроз билан касалланган 190 нафар беморни комплекс текшириш ва даволаш ҳамда 170 та оқ зотсиз каламушларда бажарилган тадқиқотлар давомида олинган маълумотлардан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг предмети: беморлар ва тажрибавий ҳайвонларнинг умумий ва маҳаллий клиник статуси, қон ва сийдикнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари, йирингли ажралмалар ва экссудатнинг микробиологик текширувлари, қоннинг эндотелиал тизимининг маркерлари, паренхиманинг морфологик тузилиши ва ошқозон ости беши микроциркуляция ўзани томирларининг морфометрик текширувлари бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни ҳал қилишда клиник, биокимёвий, морфологик, морфометрик, микробиологик, ультратовуш, радиологик, аналитик ва статик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий ҳайвонлар орасида панкреатитнинг стерил ва инфицирланган босқичларида панкреонекрозни юзага келтиришнинг усуллари такомиллаштирилган ҳамда макроорганизмнинг реактивлигини дастлаб ўзгартириб кейинчалик инфекцион агентни киритиш йўли орқали сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилган;

полиорганли дисфункция синдромининг ривожланиш динамикаси ва частотасининг объектив мезонларига, шунингдек, даволаш тадбирларининг умумий тузилишидаги йирингли асоратларнинг учраши ва оғирлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморлар аҳволини баҳолаш усули ҳамда ошқозон ости безининг анатомик ва функционал ҳолатининг объектив мезонлари, яллиғланиш жараёнининг ва даволанишдан кейинги асоратларнинг мавжудлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

панкреонекроз кузатилган беморларда сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини ва сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш эҳтимолини, даволашнинг тактикаси ва шартларини, динамик назоратни ўтказишнинг шароитлари ва хронологияларини танлаш имконини берган;

панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш ётоқ кунларини $12,2 \pm 5,8$ га камайтириш имконини берган. Бунда агар панкреонекрознинг инфицирланган шакли бўлган беморлар орасида бу кўрсаткич $10,6 \pm 5,7$ ётоқ-кунга камайтирилган бўлса ($p < 0,05$), панкреонекрознинг стерил шакли бўлган беморлар орасида эса - $13,8 \pm 4,5$ ётоқ-кунга ($p < 0,05$) қисқарган, бу абдоминал сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашда оптималлаштирилган ташҳисот ва жарроҳлик тактикасининг юқори самарадорлигини тасдиқлаган;

панкреонекрознинг ривожланиши билан қон зардобидаги қон-томир ҳужайралараро адгезия молекуласи-1 ва ассиметрик диметиларгинин молекуласининг кўпайиши бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда (юрак, буйрак, ўпка) эндотелиотситларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган доирасини келтириб чиқариши аниқланган бўлиб, сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларда янги даволаш ва диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ижобий даволаш натижаларини 2,2 баравар ошириш, қонқарсиз даволаш натижалари частотасини 2,4 баравар ва ўлимни 1,8 баравар камайтириш имконини берган. Панкреотоген сепсис ривожланиши истикболини белгилаш ва ўз вақтида мажмуавий консерватив терапия ҳамда хирургик аралашувларни бажарилиши олис даврларда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш уларни меҳнатга лаёқатлилигини тиклаш имкониятини ишонарли даражада оширган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг клиник материали асосида сепсис билан асоратланган панкреонекрозни даволашнинг анъанавий усуллари, шу жумладан миниинвазив технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги исботланган ва баҳоланган. Бу ўз навбатида, ушбу оғир касалликнинг патогенетик механизмларини батафсил ўрганиш орқали аниқланган панкреотоген сепсис

ва полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишини башорат қилиш мезонларини объективлаштиришдаги камчиликларни инобатга олишга асосланган ҳолда касалликнинг асоратлари ва ўлим сабабларини аниқлашга имкон берган;

сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг оғирлигини объектив баҳолаш учун ишлаб чиқилган башоратлаш ва ташҳисот дастурларидан фойдаланиш, консерватив даволаш усулларини танлаш, жарроҳлик аралашувнинг мақбул вақти ва усуллари ижобий даволаш натижаларини оширишга, қонқарсиз даволаш натижалари ва ўлим частотасини камайтиришга имкон берган. Панкреатоген сепсис ривожланишини башорат қилиш ва ўз вақтида комплекс консерватив даволаш ҳамда жарроҳлик аралашувларидан фойдаланиш, охир-оқибат, узоқ муддатли даврда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг иш қобилиятини эрта тиклашга имкон берган;

яллиғланиш жараёнининг генерализацияланган шакли билан панкреонекрознинг деструктив шаклларининг, шу жумладан панкреонекрознинг ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган янги тажрибавий моделида патологик жараённинг ривожланиш босқичларини клиник амалиётдаги воқеликка яқинлаштириш орқали илмий тадқиқотларнинг аниқлигини ошириш имкони яратилган бўлиб, бунда таклиф қилинган усулларни бажарилишининг техник жиҳатдан оддийлиги ва кўп маблағ талаб қиладиган ускуналар зарурати йўқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал ва статистик усуллардан фойдаланиш, шунингдек, текширилган беморлар ва тажрибавий лаборатор ҳайвонларнинг етарли сонидан фойдаланиш, патологик жараённинг кечиши оғирлигининг даволаш-ташҳисот ва башоратлилиқ мезонларини такомиллаштириш, статистик таҳлил усулларининг асосланган тўплами, шунингдек уларни тўғри қўллаш, хулоса ва олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти эндотелиал тизимнинг асосий кўрсаткичларини синчковлик билан танлаш туфайли ишлаб чиқилган ташҳисот, даволаш, шунингдек беморларнинг аҳволини ва объектив баҳолаш усуллари ва сепсис билан асоратланган панкреонекрозн даволаш натижалари, морфологик ва морфометрик мезонлар, ихтисослашмаган кўп тармоқли тиббиёт муассасаси шароитида касалликнинг кечиш вариантини, асоратлар ва ўлим эҳтимolini башоратлаш имконини бериши билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, уларни ўз вақтида олдини олиш учун тегишли профилактика чораларини қўллаш, беморларни даволаш натижаларини яхшилаш, ўлим кўрсаткичи ва ногиронликни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг

диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш бўйича илмий натижаларга асосланиб, қуйидагилар олинди:

Илмий янгиликнинг моҳияти: тажрибавий ҳайвонлар орасида панкреатитнинг стерил ва инфицирланган босқичларида панкреонекрозни юзага келтиришнинг усуллари такомиллаштирилган ҳамда макроорганизмнинг реактивлигини дастлаб ўзгартириб кейинчалик инфекция агентни киритиш йўли орқали сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилиши мазкур беморларда касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (29.06.2023 й.; № 15/1), Навоий филиали бўйича буйруқ (30.06.2023 й.; № 12), ҳамда Самарқанд филиали бўйича буйруқ (03.07.2023 й.; № 17/2) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилиши беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олиниши беморларни даволаш сифатини яхшилайдди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилиши мазкур беморларда касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради ҳамда беморларни даволашда сарфланадиган харажатларини 2 500 000 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: сепсис билан асоратланган панкреонекрозни юзага келтириш модели ишлаб чиқилиши мазкур беморларда касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 500 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 254 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 26 июндаги 01/04/3450-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: полиорганли дисфункция синдромининг ривожланиш динамикаси ва частотасининг объектив мезонларига, шунингдек, даволаш тадбирларининг умумий тузилишидаги йирингли

асоратларнинг учраши ва оғирлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморлар аҳволини баҳолаш усули ҳамда ошқозон ости безининг анатомик ва функционал ҳолатининг объектив мезонлари, яллиғланиш жараёнининг ва даволанишдан кейинги асоратларнинг мавжудлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморлар аҳволини ишлаб чиқилган баҳолаш усулидан фойдаланилиши полиорган дисфункция ривожланиш эҳтимолини башоратлаб даволаниш самарасини оширишга имкон бериши ҳамда сепсис билан асоратланган панкреонекроз бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усули касалларда асоратларнинг камайтиришга имкон бериши исботланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (29.06.2023 й.; № 15/1), Навоий филиали бўйича буйруқ (30.06.2023 й.; № 12), ҳамда Самарқанд филиали бўйича буйруқ (03.07.2023 й.; № 17/2) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: полиорганли дисфункция синдромининг ривожланиш динамикаси ва частотасининг объектив мезонларига, шунингдек даволаш тадбирларининг умумий тузилишидаги йирингли асоратларнинг учраши ва оғирлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморлар аҳволини баҳолаш усулини ҳисобга олиниши ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг ҳамда ошқозон ости безининг анатомик ва функционал ҳолатининг объектив мезонлари, яллиғланиш жараёнининг ва даволанишдан кейинги асоратларнинг мавжудлигига асосланган сепсис билан асоратланган панкреонекроз бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усулининг ишлатилиши интраоперацион ва операциядан кейинги даврда асоратларнинг камайтириш имкониятини беради

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморлар аҳволини баҳолаш усулини ҳамда беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усули ҳисобга олиниши: ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиб, беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 535 000 сўмга камайтирган (РШТЁИМ БФ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 107.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 185 000 сўм дори воситалари сарфланади);

Хулоса: сепсис билан асоратланган панкреонекрозли беморлар аҳволини баҳолаш усулини ҳамда беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашнинг янги усули ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга

даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 26 июндаги 01/04/3450-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: панкреонекроз кузатилган беморларда сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини ва сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш эҳтимолини, даволашнинг тактикаси ва шартларини, динамик назоратни ўтказишнинг шароитлари ва хронологияларини танлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: панкреонекроз кузатилган беморларда сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини ва сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш эҳтимолини, даволашнинг тактикаси ва шартларини, динамик назоратни ўтказишнинг шароитлари ва хронологияларини танлаш имконини бериши билан изоҳланган. Бу ўз навбатида, шифо жараёнини тезлаштириб, ётоқ кунини қисқартирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (29.06.2023 й.; № 15/1), Навоий филиали бўйича буйруқ (30.06.2023 й.; № 12), ҳамда Самарқанд филиали бўйича буйруқ (03.07.2023 й.; № 17/2) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: панкреонекроз кузатилган беморларда сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усули ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини ва сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш эҳтимолини, даволашнинг тактикаси ва шартларини, динамик назоратни ўтказишнинг шароитлари ва хронологияларини танлаш имконини берадиган сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усулидан фойдаланиш беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 12,2 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал дисфункция ривожланиш даражасини ва сепсис билан асоратланган панкреонекрознинг ривожланиш эҳтимолини, даволашнинг тактикаси ва шартларини, динамик назоратни ўтказишнинг шароитлари ва хронологияларини танлаш имконини берадиган сепсис ривожланишини башорат қилишнинг янги усулининг

жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 26 июндаги 01/04/3450-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш ётоқ кунларини $12,2 \pm 5,8$ га камайтириш имконини берган. Бунда агар панкреонекрознинг инфицирланган шакли бўлган беморлар орасида бу кўрсаткич $10,6 \pm 5,7$ ётоқ-кунга камайтирилган бўлса ($p < 0,05$), панкреонекрознинг стерил шакли бўлган беморлар орасида эса - $13,8 \pm 4,5$ ётоқ-кунга ($p < 0,05$) қисқарган, бу абдоминал сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашда оптималлаштирилган ташҳисот ва жарроҳлик тактикасининг юқори самарадорлигини тасдиқлаган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш ётоқ кунларини $12,2 \pm 5,8$ га камайтириш имконини берган. Бу ўз навбатида, шифо жараёнини тезлаштириб, беморлар реабилитациясини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (29.06.2023 й.; № 15/1), Навоий филиали бўйича буйруқ (30.06.2023 й.; № 12), ҳамда Самарқанд филиали бўйича буйруқ (03.07.2023 й.; № 17/2) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача $12,2 \pm 5,8$ кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: панкреонекроз кузатилган беморларда эндотелиал тизимнинг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳисот алгоритмидан фойдаланиш усулининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет

маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 26 июндаги 01/04/3450-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: панкреонекрознинг ривожланиши билан қон зардобадаги қон-томир ҳужайралараро адгезия молекуласи-1 ва ассиметрик диметиларгинин молекуласининг кўпайиши бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда (юрак, буйрак, ўпка) эндотелиотситларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган доирасини келтириб чиқариши аниқланган бўлиб, сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларда янги даволаш ва диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ижобий даволаш натижаларини 2,2 баравар ошириш, қониқарсиз даволаш натижалари частотасини 2,4 баравар ва ўлимни 1,8 баравар камайтириш имконини берган. Панкреотоген сепсис ривожланиши истиқболини белгилаш ва ўз вақтида мажмуавий консерватив терапия ҳамда хирургик аралашувларни бажарилиши олис даврларда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш уларни меҳнатга лаёқатлилигини тиклаш имкониятини ишонарли даражада оширган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: панкреонекрознинг ривожланиши билан қон зардобадаги қон томир ҳужайралараро адгезия молекуласи-1 ва ассиметрик диметиларгинин молекуласининг кўпайиши бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда (юрак, буйрак, ўпка) эндотелиотситларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган доирасини келтириб чиқаришини инobatга олиниши ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳамда сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларда янги даволаш ва диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ижобий даволаш натижаларини 2,2 баравар ошириш, қониқарсиз даволаш натижалари частотасини 2,4 баравар ва ўлимни 1,8 баравар камайтириш имконини бериши исботланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (29.06.2023 й.; № 15/1), Навоий филиали бўйича буйруқ (30.06.2023 й.; № 12), ҳамда Самарқанд филиали бўйича буйруқ (03.07.2023 й.; № 17/2) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: панкреонекрозда эндотелиоцитларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган

доирасини келтириб чиқаришини инобатга олиниши ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни камайтириш ҳамда панкреотоген сепсис ривожланиши истикболини белгилаш ва ўз вақтида мажмуавий консерватив терапия ҳамда хирургик аралашувларни бажарилиши олис даврларда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш уларни меҳнатга лаёқатлилигини тиклашни ишонарли даражада ошириш имкониятини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

панкреонекрозда эндотелиотситларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган доирасини келтириб чиқаришини ҳамда сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларда янги даволаш ва диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни инобатга олиниши: ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни камайтириш имкониятини бериб даволаш самарадорлигини яхшилаш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: панкреонекрозда эндотелиотситларнинг шикастланишига олиб келиши ва шу билан полиорганли дисфункция синдромининг ривожланишининг бузилган доирасини келтириб чиқаришини ҳамда сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларда янги даволаш ва диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни инобатга олиниши ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни камайтириш, панкреотоген сепсис ривожланиши истикболини белгилаш ва ўз вақтида мажмуавий консерватив даво ҳамда хирургик аралашувларни бажарилиши олис даврларда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш уларни меҳнатга лаёқатлилигини тиклашни ишонарли даражада ошириб даволаш самарадорлигини яхшилаш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 305 400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2 257 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Сепсис билан асоратланган панкреонекроз кузатилган беморларни даволашнинг диагностик ва хирургик тактикасини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 26 июндаги 01/04/3450-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялардан, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 264 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён этилган, олинган натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзолари эхинококкозини ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари**нинг ривожланишига замонавий қарашлар» деб номланган биринчи бобида панкреонекрознинг муаммолари, этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган.

Диссертация иши клиник ва тажрибавий қисмдан иборат. Клиник материал панкреонекроз билан касалланган 190 нафар бемордан иборат (назорат – 51,1% ва асосий – 48,9%), улар 2013 йилдан 2022 йилгача Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят филиалида даволашда ва текширишда бўлган. Тажрибавий тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг вивариум шароитида оқ зотсиз лаборатория каламушларида ўтказилган. Жами касалликнинг ташқи белгиларисиз ҳар иккала жинсдаги жами 150-250 грамм оғирликдаги 170 ҳайвон ишлатилган.

Панкреонекрозли 190 беморнинг энг кўпи ўткир стерил панкреонекроз (75 пациент - 39,5%) ва ўткир инфицирланган панкреонекрози (115 бемор - 60,5%) бўлган беморлардан иборат бўлган. 51 (26,9%) нафар беморда ўткир инфицирланган панкреонекроз яллиғланиш жараёнининг генерализацияси фонида кечган.

Касалликнинг этиологиясига кўра, ҳолатларнинг ярмидан кўпи (56,8%) билиар панкреонекрозли пациентлардан иборат бўлган. Касалликнинг алкоғолли (21,1%) ва гастроген (21,6%) этиологияси бўлган беморлар деярли бир хил даражада бўлган.

Касаллик тарихи ёзувларига кўра, панкреонекрознинг 342 маҳаллий асоратлари (1-жадвал) қайд этилган. Ушбу асоратлар қорин бўшлиғи ва қорин парда орти бўлиғи аъзоларига таъсир кўрсатган. Катта даражада (37,4%) перитонитлар қайд этилган. Парапанкреатик инфилтрат 14,9% ҳолатда қайд этилган. Панкреатик абсцесслар 26 (7,6%) беморда қайд

этилган. Қорин парда орти бўшлиғи флегмонаси 95 (27,8%) беморда ташҳисланган. Флегмоналарнинг аксарияти парапанкреатик бўшлиқда локализацияланган.

1-жадвал

Панкреонекроз маҳаллий асоратларининг учраш даражаси

АСОРАТЛАР	БЕМОР ГУРУҲЛАРИ				ЖАМИ	
	Назорат		Асосий			
	АК	%	АК	%	АК	%
Парапанкреатик инфилтрат	28	8,19	23	6,73	51	14,9
Панкреатик абсцесс	11	3,22	15	4,39	26	7,6
Перитонит	49	14,33	79	23,1	128	37,4
Қорин парда орти флегмонаси	33	9,65	62	18,13	95	27,8
Псевдокиста	14	4,09	12	3,51	26	7,6
Механик сариқлик	4	1,17	5	1,46	9	2,6
Аррозив қон кетиш	2	0,58	1	0,29	3	0,9
Ташқи ва ички дигестив оқмалар	3	0,88	1	0,29	4	1,2
ЖАМИ	144	42,1	198	57,9	342	100

Ўткир панкреатит ташҳисини қўйиш учун асос қуйидагилар бўлган: касалликнинг типик клиник кўриниши, қондаги амилазанинг меъерий қийматлардан 3 ёки ундан кўп мартага ошиши ва ультратовуш текшируви пайтида ошқозон ости безидаги ўзгаришларнинг характерли белгиларининг мавжудлиги.

Панкреонекрознинг ташҳисот белгилари: ўткир панкреатитнинг клиник белгилари, тери белгиларининг мавжудлиги (юз гиперемияси, тери қопламларининг “мармар” симон тусга кириши ва бошқ.) ва перитонеал симптомларнинг мавжудлиги.

Беморларнинг оғирлик даражасини, яллиғланиш жараёнининг генерализацияланиши ва аъзоларнинг дисфункциясини баҳолаш учун беморларни текшириш протоколига умумэтироф этилган ташҳисот шкаласи Multiple Organ Dysfunction Score (MODS) ни ўз ичига олган.

Барча тажрибавий тадқиқотлар Европа Кенгашининг 1986 йилдаги ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияси шартларига тўлиқ жавоб берган. Режалаштирилган тажрибавий тадқиқотлар баённомаларининг барчаси дастлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги биоэтика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган, муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Иزلаниш мақсадига эришиш учун тажрибавий тадқиқотларнинг умумий мажмуасини 5 қатор тажрибаларга ажратилган:

1-бир қатор тажрибалари (назорат) - 10 та интакт ҳайвонлар, ҳеч қандай аралашувсиз ва ҳеч қандай патологик шароитларни моделлаштиришсиз.

2-қатор тажрибалари (таққослаш-А)-ўткир панкреатитнинг тажрибавий модели билан 40 дона ҳайвонлар.

3-қатор тажрибалари (таққослаш-В) - ўткир стерил панкреонекрознинг тажрибавий модели билан 40 та ҳайвон.

4-қатор тажрибалари (таққослаш-С) - ўткир инфицирланган панкреонекрознинг тажрибавий модели билан 40 та ҳайвон.

5-тажрибалар серияси (асосий) – сепсис билан асоратланган ўткир инфицирланган панкреонекрознинг тажрибавий модели билан 40 та ҳайвон.

Ишда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали марказий ташҳисот лабораториясида ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилган клиник, биокимёвий, морфологик, морфометрик, микробиологик, аналитик ва статик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Барча тадқиқот усуллари умумий (умумий қон таҳлили, биокимёвий қон таҳлили, сийдик таҳлили, коагулограмма, қоннинг кислота-асос ҳолати кўрсаткичлари, электрокардиограмма, рентгенография, ултратовуш, ЭГДФС, МРТ, КТ, МСКТ) ва махсус тадқиқот усулларига бўлинган: асимметрик диметиларгининнинг қондаги кўрсаткичлари даражаси (мкмоль/л), эндотелин-1 (f/мкмоль/л), Виллебранд омили (IU/dL), тромбомодулин (нг/мл), томир эндотелиал ўсиш омили (пг/мл), вазогин-1 (пг/мл), томир ҳужайра молекулалари (нг/мл) ва ҳужайралараро адгезия молекулалари-1 (нг/мл), С-реактив оқсил (мг/л), гомоцистеин (мкмоль/л).

Септик асоратларнинг мавжудлиги Чикаго ярашув конференцияси томонидан тақлиф қилинган мезонлар асосида аниқланди. Қиёсий ташхислаш учун қуйидаги ўзига хос клиник тушунчаларга амал қилинган: тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми, сепсис синдроми, оғир сепсис ва септик шок.

Морфологик тадқиқотлар тажрибавий ҳайвонларда ўтказилган ва гистологик ва морфометрик тадқиқотларни ўз ичига олган. Тадқиқот учун материал сифатида ошқозон ости беши тўқималари ишлатилган. Морфометрик тадқиқотлар ошқозон ости безининг микроциркулятор ўзани томирларининг диаметрини ўлчайдиган стандарт тўр ёрдамида амалга оширилган: артериолалар, венулалар, прекапилляр артериолалар, посткапилляр венулалар, капилляр.

Тажрибалар тугагандан сўнг ҳайвонларни сўйиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика қўмитасининг “тажрибавий тадқиқотлар давомида лаборатория ҳайвонларига инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида” ги низомига мувофиқ амалга оширилган.

Сепсис билан асоратланган ўткир инфицирланган панкреонекрози бўлган беморнинг аҳволини баҳолашда ҳам назорат, ҳам асосий гуруҳларда биз томонимиздан ишлаб чиқилган градация шкаласи ишлатилган, у қуйидаги мезонлардан иборат: полиорганли дисфункция синдромининг динамикаси ва ривожланиш частотаси; даволаш чора-тадбирларининг умумий тузилишида йирингли асоратларнинг частотаси ва оғирлиги.

Панкреонекрозли беморларнинг назорат гуруҳида ҳам, асосий гуруҳида ҳам даволашнинг бевосита натижаларини баҳолаш учун биз ошқозон ости

безининг анатомик ва функционал ҳолати, яллиғланиш жараёни ва асоратларнинг мавжудлиги мезонларидан иборат биз томонимиздан ишлаб чиқилган градация шкаласидан фойдаландик.

Панкреонекрозни ўтказган пациентларнинг узок муддатли даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини ўрганиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: GIQLI анкеаси бўйича сўровнома ўтказиш, клиник кўрув, қорин бўшлиғи аъзоларининг ултратовуш текшируви ва компьютер томографияси, магнит-резонанс томография. Бунга қўшимча равишда, биз ўткир панкреатитнинг рецидив частотаси, ошқозон ости безининг экзокрин ва эндокрин функционал етишмовчилиги мавжудлиги, операциядан кейинги вентрал чурранинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва ўтказилган панкреонекроз билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар каби кўрсаткичлар баҳоланди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминот пакетидан фойдаланган ҳолда Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишлов бериш, шу жумладан Windows учун ўрнатилган статистик ишлов бериш функциялари ва BioStat дан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг назорат гуруҳида сепсис билан асоратланган панкреонекрозни анъанавий даволаш усулларини самарадорлигини таҳлил қилиш”** деб номланган учинчи боби беморларнинг назорат гуруҳида сепсис билан асоратланган панкреонекрозни даволашнинг анъанавий усуллари самарадорлигини таҳлил қилишга бағишланган. Беморларнинг назорат гуруҳида даволаш тадбирларнинг хусусиятлари, асоратлар, ўлим таҳлили, даволашнинг бевосита ва узок муддатли натижалари келтирилган.

Панкреонекрознинг клиник белгиларини таҳлил қилиш симптомокомплекслар частотасининг турличалигини кўрсатган. Албатта, бу ерда когортанинг ретроспектив таҳлили ўтказилганлиги қисман таъсир кўрсатган. Шунга кўра, касалликнинг айрим белгиларининг мумкин бўлган намоён бўлиши касалликнинг якуний ташҳисига мос келмаган. Бундан келиб чиқиб, патологик жараённинг ривожланиш динамикасида ушбу белгиларни ўрганиш хронологик тартибда ривожланадиган ўзгаришларни аниқроқ кўрсатади.

Беморларнинг назорат гуруҳида асосан эрта лапаротомиялардан иборат фаол жарроҳлик тактикасига устунлик берилган ҳолда қўлланилган. Беморларнинг назорат гуруҳида жарроҳлик операцияларига асосий кўрсатмалар консерватив давога ва/ёки перитонит белгилари мавжудлигига қарамасдан касалликнинг салбий динамикаси сабаб бўлган.

Агар панкреонекрознинг стерил босқичида лапаротомия амалга оширилган бўлса, биринчи босқичда қорин бўшлиғи аъзолари ревизияси ўтказилган. Агар панкреонекрозга шубҳа қилинса, чарви халтаси очилган ва визуал ревизия ўтказилган. Операция чарви халтасини ва қорин бўшлиғини бир нечта дренажлар билан санация қилиш ва дренажлаш билан яқунланган. Ошқозон ости безининг некротик соҳалари мавжуд бўлса - улар тўмтоқ ва ўткир йўл билан олиб ташланган. Ушбу муолажа баъзан эрозив қон

кетишнинг ривожланиши ёки дигестив оқмаларнинг шаклланиши туфайли жуда хавфли бўлган. Билиар панкреонекрозда ўт пуфаги ва ўт йўлларида аралашувлар ўтказилган.

Инфицирланган панкреонекрозда лапаротомиянинг асосий мақсади ўз вақтида ва тўлақонли некрсеквестрэктомияни бажариш, кейинги санация учун парапанкреатик клетчатканинг йирингли бўшлиқларини дренажлаш бўлган. Чарви халтаси, йиринг билан тўлган барча мумкин бўлган бўшлиқлар очилган. Ошқозон ости беши ва қорин парда орти бўшлиғининг некрозланган тўқималари тўмтоқ ва ўткир усуллар билан олиб ташланган. Иккинчиси, мажбурий тартибда, бармоқлар ёрдамида ревизия қилинган. Дренажлаш қорин парда орти бўшлиғида, чарви халтасида, қорин бўшлиғида амалга оширилган.

Ҳаммаси бўлиб, операциялар протоколларига кўра, 451 номдаги жарроҳлик аралашувлар амалга оширилган. Бунда ҳар бир бемор учун ўртача $4,6 \pm 1,1$ та техник босқич бажарилган. Ушбу босқичларда етакчилар дренажловчи аралашувлар (215) бўлиб, бу 47,6% ни ташкил этган. Шу билан бирга, чарви халтаси 23,9% ҳолатларда ва 23,7% ҳолатларда - қорин бўшлиғи дренажланган. Шунини таъкидлаш керакки, қорин бўшлиғини дренажлаш чарви халтасини дренажламасдан амалга оширилган. Аммо чарви халтасини дренажлаш бир неча бор амалга оширилган, бу қийматларнинг фарқини белгилаб берган.

Некрсеквестрэктомия 13,7% ҳолларда (62 марта) амалга оширилган. Оментобурсостомия ва чарви халтасининг марсупиализацияси 13,5% ҳолатларда (61 марта) амалга оширилган. Парапанкреатик соҳани дренажлаш 48 марта (10,6%) амалга оширилган. Ўт тош касаллигида аралашувлар холецистостомия (1,3%) ва ўт йўлларида дренажлаш билан холецистэктомия (8,2%) ни бажаришга қаратилган.

Перитонит назорат гуруҳининг 49 (55,5%) аниқланган. Беморларнинг назорат гуруҳида қорин парда орти флегмонаси перитонитдан кейин 2-ўринда (34,0%) жойлашган.

Панкреонекрознинг стерил босқичи (I кичик гуруҳ) бўлган беморларда панкреатоген сепсис 39,5% ҳолатларда аниқланган. Панкреонекрознинг инфицирланган босқичи бўлган беморлар орасида эса 100% ҳолларда ташхисланган. Шунини эслатиб ўтиш керакки, беморларнинг III кичик гуруҳи оғир сепсис ва септик шок билан касалланган беморлар ҳисобига шаклланган. Шунга мос ҳолда, йирингли-деструктив жараённинг асоратланишининг генерализацияланган шаклига эга бўлган II кичик гуруҳ беморлари сепсис синдромининг мавжудлиги ёки фақат тананинг тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан ифодаланган.

74 (76,3%) беморда касалхонага ётқизилган куни панкреатоген сепсис аниқланган. Улардан беморларнинг деярли ярмига (47,3%) сепсис - синдром ташхиси қўйилган, бу панкреонекрознинг инфицирланган босқичи бўлган беморлардан иборат бўлган. Тадқиқотнинг III кичик гуруҳини ташкил этувчи (оғир сепсис ва септик шок мавжудлиги) 32,4% ни ташкил этган беморларда панкреонекрознинг фақат инфицирланган шакли мавжуд бўлган. Бунда агар

оғир сепсис билан касалланган беморлар 27,0% бўлса, септик шок билан оғриган беморлар эса 5,4% бўлган.

